

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAZIRLIGI  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SOЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ****107 «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1749-2*

*(2012 йил 16 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й., № 9, 497-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 55-сон «Солиқ маслаҳати соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 12-сон, 111-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 17 декабрдаги 108, 2007-63-сонли қарори (рўйхат рақами 1749, 2007 йил 17 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 530-модда) билан тасдиқланган «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 8 февраль,  
18-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 8 февраль,  
2012-10-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2012 йил 8 февралдаги  
18, 2012-10-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун  
малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва  
қўшимча**

1. 3-банднинг «в» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«в) олий таълим муассасасини тамомлаганидан кейин камида беш йил иш стажига, шу жумладан, камида икки йил иқтисодий ёки юридик мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлиши».
2. 5-бандда:  
«в» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«в) меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган ксе-ронусхаси»;  
«д» кичик бандда «бир йилдан» деган сўзлар «уч йилдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;  
қўйидаги мазмундаги «ж» кичик банди билан тўлдирилсин:  
«ж) паспорт ёки уни ўрнини босувчи хужжат нусхаси».
3. 21-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«21. Имтиҳон модулларида тест саволлари кўрсатилади. Имтиҳон модуллари 60 та тест саволларидан иборат бўлади, жумладан:  
юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш — 25;  
бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи — 15;  
солиқ ҳуқуқи, иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва солиқ маслаҳати беришнинг ҳуқуқий асослари — 20».
4. Ўзбек тилидаги матннинг 26-бандидан «имтиҳон комиссиясига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
5. 39-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«39. Солиқ маслаҳатчиси сертификатини олиш учун даъвогар бўлимлар бўйича камида қўйидаги миқдордаги саволларга тўғри жавоб бериши лозим:  
юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш — 15;  
бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи — 9;

**10 (510)-сон**

**— 61 —**

**107-108-моддалар**

солиқ ҳуқуқи, иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва солиқ маслаҳати беришнинг ҳуқуқий асослари — 12.

Бунда тест натижаларини ижобий деб эътироф этиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган тўғри жавоблар миқдори имтиҳон тестларидаги мавжуд саволлар умумий миқдорининг камида 75 фоизини ташкил этиши керак».